ЛОЙИҲА

# Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Сайлов бюллетенига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар алфавит тартибда фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулот тури) ва иш жойи кўрсатилган ҳолда киритилади.

Сайлов бюллетени сайлов округидаги кўпчилик аҳоли фойдаланадиган тилда, Марказий сайлов комиссияси белгилаган тартибда ва унинг назорати остида нашр этилади.

## IV. БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР ВА ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

29-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар фаолиятининг кафолатлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинган вақтдан бошлаб тенг асосларда сайловолди кампаниясида қатнашадилар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги оммавий ахборот воситалари, шу жумладан радио ва телевидение имкониятларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга бўладилар. Шу билан бирга ушбу ҳуқуқдан давлат ва ижтимоий тузумнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган асосларига қарши, урушни тарғиб этиш, миллий адоватга ва фуқароларнинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқларини камситишга даъват этиш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинганларнинг ҳаммасига сайлов кампаниясида моддий-техника ва молиявий таъминот юзасидан тенг имкониятлар яратиб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида рўйхатга олинганлар сайловолди кампаниясини ўтказиш вақтида сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ўз ишлаб чиқариш ёхуд хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди доирасида шаҳар пассажир транспортининг (такси бундан мустасно) барча турларида ва шаҳарлараро транспортда бепул юриш ҳуқуқига эга бўладилар. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши, ушланиши ёки суд тартибида маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

30-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 10 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишга ёрдам берадилар, уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб борадилар. Давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қиладилар. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг тақдимномасига кўра ишончли вакилларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари учун республика қонунларида белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

## V. БОБ. ОВОЗ БЕРИШ ВА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИНИ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ

31-модда. **Овоз бериш вақти ва жойи**

Овоз бериш сайлов куни маҳаллий вақт билан соат 7 дан 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида беш кун олдин хабардор қилади. Ҳарбий қисмларда, олис ва бориш қийин бўлган ноҳиялардаги фуқаролар турар жойларида, шунингдек санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ҳамда бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида ташкил этилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси, агар рўйхатга киритилган ҳамма сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, исталган вақтда овоз бериш тугалланганлигини эълон қилиши мумкин.

32-модда. **Овоз беришни ташкил этиш**

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади, уларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар жиҳозланиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жойлар ажратилиши ҳамда сайлов қутилари ўрнатилиши керак. Сайлов қутилари овоз берувчилар улар ёнига албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари орқали ўтиб келадиган қилиб жойлаштирилади.

Овоз беришни ташкил этиш, сайловчилар ўз хоҳиш-истакларини яширин билдиришларини таъминлаш, биноларни жиҳозлаш ва уларда зарур тартибни сақлаб туриш учун участка сайлов комиссияси жавобгардир.

Сайлов куни овоз бериш бошланишидан олдин тегишли сайлов комиссиясининг раиси комиссиянинг барча аъзолари иштирокида сайлов қутиларини текширади, пломбалайди ёки муҳрлайди.

Ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради; бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетенларини тегишли сайлов комиссияси сайлов участкаси сайловчиларининг рўйхати асосида паспорт ёки бошқа гувоҳнома кўрсатилгач беради. Ҳар бир сайловчи сайлов бюллетени олгани ҳақида сайловчилар рўйхатидаги ўз фамилияси рўпарасига имзо чекади.

Сайлов куни истиқомат жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз истиқомат жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусида қарорга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга яширган ҳолда участка комиссиясига қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо чекади. Сайлов варақасининг нусхасини округ сайлов комиссияси белгилайди.

Айрим сайловчилар соғлиғи ёмонлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ажратилган биноларга кела олмаган ҳолларда участка комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссиянинг камида икки аъзосига сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этишни топшириши мумкин.

Бирон-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган сайловчилар шахсини ва яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритиладилар.

33-модда. **Овоз беришни ўтказиш**

Сайлов бюллетенлари овоз берувчилар томонидан яширин овоз бериш учун ажратилган кабина ёки хонада тўлдирилади. Бюллетенларни тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа бирон-бир кишининг бўлиши тақиқланади. Бюллетенни мустақил тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи кабина ёки хонага ўз хохиши бўйича сайлов комиссиясининг аъзоларидан бошқа бирон кишини таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Сайловчи бюллетендаги ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини ўчиради.

Тўлдирилган бюллетенни овоз берувчи сайлов қутисига ташлайди.

34-модда. **Сайлов участкасида овозларни ҳисоблаб чиқиш**

Сайлов участкасида овозларни участка сайлов комиссияси ҳар бир номзод бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқади.

Сайлов қутилари участка сайлов комиссияси томонидан комиссия раиси овоз бериш тугаганлигини эълон қилганидан кейин комиссиянинг барча аъзолари иштирокида очилади. Овоз бериш тугашидан олдин сайлов қутиларини очиш тақиқланади. Сайлов қутиларини очишдан олдин фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенларини участка сайлов комиссияси ҳисоблаб чиқади ва бекор қилади.

Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг асосий рўйхати ва унга илова бўйича участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, шунингдек бюллетень олган сайловчиларнинг умумий сонини аниқлайди. Сайлов қутиларида бўлган бюллетенлар асосида комиссия овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг умумий сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди. Сайловчилар бюллетенларга қўшимча ёзиб қўйган фуқароларнинг фамилиялари бўйича овозлар ҳисобланмайди.

Белгиланмаган нусхадаги сайлов бюллетенлари, шунингдек овоз бериш вақтида биттадан ортиқ номзод қолдирилган бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетенининг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда масалани участка сайлов комиссияси овоз бериш йўли билан ҳал қилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилади ва мажлис баёнига ёзиб қўйилади.

Мажлис баёни комиссия раиси, комиссия раисининг ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Марказий сайлов комиссияси белгилаб қўйган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига юборилади.

35-модда. **Сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлаш**

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг мажлиси баёнлари асосида округдаги сайловчиларнинг умумий сонини; сайлов бюллетенлари олган сайловчилар сонини; овоз беришда қатнашган сайловчилар сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди.

Округ бўйича сайлов натижалари округ сайлов комиссияси мажлисида аниқланади ва мажлис баёнига киритиб қўйилади. Мажлис баёни комиссия раиси, комиссия раисининг ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясига юборилади.

36-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг натижаларини аниқлаш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси ўзига келиб тушган округ сайлов комиссиялари мажлисининг баёнлари асосида республикадаги сайловчиларнинг умумий сонини; сайлов бюллетенлари олган сайловчилар сонини; овоз беришда қатнашган сайловчилар сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди.

Сайловда овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг ярмидан кўпи овозини олган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайланган ҳисобланади.

Башарти, сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярми ҳам қатнашмаган бўлса, сайлов ҳақиқий эмас деб топилади.

Сайлов вақтида ёхуд овозларни ҳисоблаш чоғида йўл қўйилган овоз бериш якунларига таъсир этган қоидабузарликлар сабабли сайлов умуман ёки айрим округлар ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади. Бу қарор устидан бир ой мобайнида Ўзбекистон Респбуликаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари тўғрисидаги Ахборот сайловдан кейин кўпи билан ўн кун муддат ичида Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

37-модда. **Такрор овоз бериш**

Башарти, номзодлардан ҳеч бири талаб қилинган миқдордаги овозни ололмаса, сайловчиларнинг овозини энг кўп олган икки номзод иштирокида такрорий овоз бериш ўтказилади. Марказий сайлов комиссияси сайлов ўтказилган кундан бошлаб бир ой ичида такрорий овоз бериш кунини белгилайди, бироқ бу муддат сайлов ўтказилганидан камида ўн беш кун кейин бўлиши керак. Такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақидаги хабар матбуотда босиб чиқарилади.

Такрорий овоз бериш чоғида овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўп олган номзод сайланган ҳисобланади.

38-модда. **Такрорий сайлов**

Башарти, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилса ёхуд агар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлардан ҳеч бири сайловчиларнинг овозини талаб қилинган миқдорда олмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши Марказий сайлов комиссиясининг тақдимномасига кўра такрорий сайлов тайинлайди. Бунда комиссия сайловни янги тартибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари ўтказиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайлов ўтказилган сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг аввал тузилган рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Комиссиялар тузиш, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини такрор ўтказиш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирлар ушбу Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Такрорий сайлов асосий сайлов ўтказилгандан кейин икки ой ичида ўтказилади.

39-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг Президентлик лавозимига киришиши**

Сайловда ғалаба қилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси сайлов натижаларини расман эълон қилган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришган ҳисобланади.

---

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари еттинчи сессияси*

# «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

## *Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот комитетининг раиси Э. Ҳ.Халилов маърузаси*

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Бугун сизларнинг муҳокамангизга ҳавола этилаётган Қонун лойиҳаси ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. У республика тарихида биринчи марта мустақил Ўзбекистон Республикаси Президентини қонуний асосда умумхалқ томонидан сайлаш имконини беради.

Мазкур лойиҳани баобрў олимлар, ҳуқуқшунослар тайёрладилар. Уни тайёрлаш вақтида чет эл давлатлари ва мустақил республикаларнинг, шу жумладан Украина, Грузия, Қирғизистон, Озарбайжон ва Россия Федерациясининг шу хилдаги қонунлари чуқур ва муфассал ўрганилди, уларнинг энг яхши жиҳатлари олинди, республикамиз шароитига татбиқан қўллаш мумкин бўлган ҳаётий муҳим жиҳатлари ушбу Қонун лойиҳасига асос бўлиб қолди. Лойиҳа Олий Кенгаш Раёсатида атрофлича муҳокама этилди. У Ўзбекистон Президентининг ҳақиқий демократик сайловини чинакам ҳуқуқий асосда, кўзбўямачиликларсиз ва сохта демократиядан ҳоли тарзда ўтказишни кафолатлайди.

Чунончи, 9-моддада белгилаб қўйилишича, Президент сайловини республика Олий Кенгаши ёки унинг Раёсати овоз беришдан камида 45 кун олдин тайинлайди. Бу моддадан кўриниб турибдики, халқнинг чинакам кайфияти ва хоҳиш-иродасини аниқлаш мақсадида сайловни ташкил этиш ва ўтказишда демократик ва ҳуқуқий асосларни таъминлашга муҳим аҳамият берилади.

Лойиҳа республикадаги қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган барча сиёсий партияларга, меҳнат жамоаларига, фуқароларнинг турар жойдаги ва ҳарбий хизматчиларнинг республика ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлардаги йиғилишларига ҳеч бир тўсқинликларсиз номзодлар кўрсатиш имкониятини кафолатлайди. Номзодларнинг ёши 35 дан кам бўлмаган ва 65 дан ошмаган, саломатлиги ҳолати жиҳатидан улар сермашаққат Президентлик вазифаларини бажаришга лаёқатли бўлишлари керак. Қонун лойиҳасида Конституция негизида кўп партиялилик қоидаси мустаҳкамлаб берилган. Турли сиёсий кучлар давлат лавозимларига ўз вакилларини кўрсатиш учун курашда иштирок этишлари мумкин. Бу кафолат жамиятнинг сиёсий ҳаётида эркин қатнашиши мумкинлигидан кўриниб турибди. Ким Ўзбекистон Республикасининг Президентлигига лойиқ эканлигини халқнинг ўзи овоз бериш вақтида номзодларга ўз муносабатини бевосита ифода этиш билан айтиши керак.

Президентликка номзодларни рўйхатга олиш номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги ҳужжатлар ва номзоди кўрсатилишигача уларнинг ёзма равишда берган розилиги Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган пайтдан бошлаб уч кун ичида, аммо сайлов бошланишидан камида 25 кун олдин амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сони чекланмайди.

Марказий сайлов комиссияси Президентликка номзодни рўйхатга олишни рад этганда бу ҳақда республика Олий судига шикоят қилиш мумкин. Олий суд шикоятни бир ҳафталик муддат ичида кўриб чиқади ва унинг қарори қатъий ҳисобланади.

Президентлик учун курашда номзодлар имкониятида тенгсизликни истисно этиш учун лойиҳа номзодларни ҳар қандай ташкилотлар ва айрим шахслар, шу жумладан хорижий ташкилотлар ва чет эллардаги хусусий шахслар пул билан таъминлашини ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашини тақиқлайди. Шу билан бирга Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар давлат маблағи ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган. Башарти, сайлов кампаниясига корхоналардан, ташкилотлар ва муассасалардан, жамоат ташкилотлари ёки айрим фуқаролардан бирон-бир ихтиёрий иона ёки хайр-эҳсон бўладиган бўлса, уларни Марказий сайлов комиссияси қабул қилиб олади ва сайлов кампаниясида номзодлар ўртасида тенг миқдорда тақсимлаш учун уларни республика бюджетига ўтказади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз вазифасини самарали тарзда адо этиши учун халқ томонидан етарли даражада кенг кўламда қўллаб-қувватланмоғи лозим. Худди ана шу сабабдан 36-моддада шундай дейилган: «Сайловда овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг ярмидан кўпи овозини олган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайланган ҳисобланади».

Такрорий овоз бериш чоғида овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўп олган номзод сайланган ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги ушбу Қонуннинг лойиҳаси халқ депутатлари сайлови чоғида ва референдум ўтказишда орттирилган барча тажрибаларимизни, синовдан ўтган тадбирларни рад этмайди, аксинча, ўзига тўлалигича сингдиради. Бундай ворислик сайлов округлари, сайлов участкалари тузиш, сайлов комиссияларини шакллантириш ва уларнинг иш олиб бориши тартибидан, сайловчилар рўйхатини тузиш, сайловолди ташвиқот ишларини юритиш, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкораликдан иборатдир.

Ўртоқлар, сизларнинг муҳокамангизга ҳавола этилган Қонунни ёқлаб овоз беришингизни сўраймиз, Бу Қонун мустақил Ўзбекистон Республикаси қарор топиши йўлида яна бир таянч, кафолат бўлиб қолади.

---

• ОБУНА—92

Тошкент ҳақиқати

ҚАДРДОН РЎЗНОМАНГИЗГА ЁЗИЛИШНИ УНУТМАНГ!

1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна давом этмоқда. Бошқа нашрлар қатори «Тошкент ҳақиқати» рўзномасига ҳам барча алоқа бўлимларида обуна қабул қилинмоқда.

«Тошкент ҳақиқати»нинг бир йиллик обуна баҳоси — 25 сўм 68 тийин, ярим йилга 12 сўм 84 тийин, уч ойга эса 6 сўм 42 тийин.

Ҳурматли муштарийлар! Фурсат ғаниматлигида ўз рўзномангиз — «Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишга шошилинг!



**Азиз муштарий! Ёдингизда бўлса, Қибрай ноҳияси Солор қўрғонида истиқомат қилувчи иккинчи гуруҳ меҳнат ногирони Николай Павлович Шадрин муҳарририят ихтиёрига пул ўтказиб, вилоятимиздаги тўрт пахтакорни ўз ҳисобидан, рўзномамизга обуна қилиш истагини билдирган эди. «Обуна варақачаси» ўзининг биринчи эгасини топди. Марҳамат танишинг: Солижон Абдураҳмонов. Янгийўл ноҳияси, «Партия XXI съезди» жамоа хўжалиги, Мирзабобоев участкаси 6-бригадасида истиқомат қилади.**

**Қолган уч «обуна варақаси» эса эгаларини кутмоқда. Сиз унга кимни муносиб кўрасиз...**

# БИРИНЧИ НОМЗОД

Биринчи номзод ҳақида эса биз қуйидагиларни айтишимиз мумкин:

Далада кунни кун, тунни тун демай меҳнат қилаётган саҳий диёрнинг бағри кенг, чапани, очиқкўнгил, содда ва тўпори, меҳмондўст, қалби уммон деҳқонига бир бурда нон бер, қорни тўқ бўлсин, бир парча чит бер, усти бут бўлса кифоя, деганлар, имоним комил, қаттиқ янглишади. Чунки бепоён очунни ўзига жо қилган деҳқон номига биз ўйлагандан-да улуғвор, тасаввур қилганимиздан-да буюкроқ маъно мужассам бўлган. Деҳқон кўксида меҳнатга ҳамдам, ўзи каби оддий ҳамда пок, шу билан бирга қайноқ бир юрак уриб турибди. У шунчалик қайноқки замин ундан фақат тафт олади.

Танти, мард деҳқонга ўзи камтарона ҳисоблаган катта меҳнатининг улуғ самарасига озгина эътибор керак. Шундагина унинг кўкси ғурурдан, сурурдан, қувончдан тоғ бўлади. Тўғримасми, азиз биродар!

Сиз суратда кўриб турган Солижон ака Абдураҳмонов билан мулоқот чоғида шу ўйлар беихтиёр ҳаёлимдан кечди. Солижон ака оддий пахтакор. Нафақа ёшига етиб, «дам олишга» чиққанига уч йил бўлди. Бироқ том маънода далада улғайган, ерга меҳр қўйган кишининг «оёқ узатиб» ётиши амри маҳол экан. Солижон ака бунга амин бўлган. Ҳазиллашиб, Солижон ака, энди дам олинг, иш ёшлардан ортмайди,— десангиз, кулиб қўядилар. Жавоблари ҳам оддий бўлади:— Тирикчилик-да, ўғлим. Кучим етганича ишлаб, дала айлансам, шунинг ўзи бизга ҳордиқ эмасми?..

Бу йил Солижон ака суғорган 15 гектарлик пахта майдони «Партия XXI съезди» жамоа хўжалигининг энг олди участкаларидан. Чунки сал кам ярим асрдан буён кетмон билан дала кезадиган Солижон ака яхши ҳосил манбаи нимада эканлигини яхши билади. Қизиқсангиз лўндагина қилиб сизга ҳам тушунтириб берадилар:

— Энг муҳими қунт, меҳр керак...

Солижон ака билан суҳбатдан сўнг, албатта ўйланиб қоласиз. Деҳқонларда ўзимиз англамаган анчагина қарзимиз борлигини ҳам англаб етасиз. Шу сабабми, рўзномамизга пул ўтказиб, вилоятимиздаги энг муносиб тўрт кишини бепул обуна қилиш истагини билдирган Николай Павлович Шадрин илтимосларини қондириб, «обуна варақасини» Солижон ака номига тўлдирар эканман, дилда бир енгиллик ҳис қилдим. Рўзномамиз шундай муштарийга эга бўлаётганидан севиндим.

**Б. МИРЗАҚОБИЛОВ.**

